

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

**Мусахҳих:** Шералиева Ж.

Босишига руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

**Ш.Абдусаторов**

Анъанавий ўзбек таомларидағи ўзгаришлар ва ундаги новациялар ..... 179  
**А.Акбаров, Д. Абдуллаева**

“Билса эди чечаклар, гуллар...” ..... 183

**Д.Хошимова, М.Мўминова**

«Бобурнома» матнидаги характерлар тавсифида бадиий-тасвирий  
ифодаларнинг прагматик тадқиқи ..... 186

**К.Марасулов**

Хайриддин Султонов ижодида тарихий шахс образларининг ёритилиши ..... 189

**М.Мўминова**

«Бобурнома» матнидаги антропонимлар таржималарининг  
лингвопрагматик хусусиятлари ..... 193

**М.Хусанова**

Фарида Афрӯз поэтик асарларида табу ва вульгаризмлар экспрессивликни  
оширувчи восита сифатида ..... 196

**Д.Исройлова, Н.Ашуррова**

Нофилологик олий таълим муассасаларида мотивацияни шакллантиришнинг  
ижтимоий-педагогик хусусиятлари ..... 200

**Д.Юлдашева**

Матнда аллюзив номларнинг ифодаланиши ..... 204

**З.Акбарова**

Тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирига доир ..... 207

**Ғ.Раҳмонов**

Ўзбек тили синонимик қаторларида айнанлик ва фарқлилик  
тамоилининг амал қилиши ..... 209

**Ш.Алиева**

Тил ва нутқ ҳодисалари ..... 213

**М.Ҳожиева**

Термин, атама ва истилоҳ тушунчалари ҳақида ..... 217

**Ш.Дадабаева**

Қиёслаш мазмунининг содда гаплар доирасида ифодаланиши ..... 220

**Д.Турдалиева**

Мақолларнинг прагматик функционаллiği ..... 223

**А.Мусаев**

Дипломатия соҳасига оид атамаларнинг лингвистик тадқиқи ..... 226

---

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

---

Илмга бахшида умр ..... 229

## ЎЗБЕК ТИЛИ СИНОНИМИК ҚАТОРЛАРИДА АЙНАНЛИК ВА ФАРҚЛИЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

### ДЕЙСТВИЕ ПРИНЦИПА ТОЖДЕСТВА И РАЗЛИЧИЯ В СИНОНИМИЧЕСКИХ РЯДАХ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

### IMPLEMENTATION OF THE PRINCIPLE OF IDENTITY AND DIFFERENCE IN THE SYNONYMIC ROWS OF THE UZBEK LANGUAGE

Ғаффоржон Рўзматович Раҳмонов<sup>1</sup>,

<sup>1</sup>Ғаффоржон Рўзматович Раҳмонов

– Қўқон ДПИ, доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*).

#### Аннотация

Мақолада ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда луғавий синонимларни уларнинг лексик маънолари маркибини семик таҳлил қилиш асосида белгилаш орқали уларнинг моҳиятидаги айнанлик ва фарқлилик белгиларини ажратиш лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

#### Annotation

In the article, the question of the necessity of the implementation of the principle of identity and difference in the rows of synonyms of the Uzbek language is considered through the analysis of the semantic features of the lexical meanings of the words based on the semiotic analysis of their semantic features.

#### Annotation

This article discusses traditional and modern approaches to the definition of synonyms, and also pays special attention to identifying the general and differential features of the lexical meanings of synonyms in the semantic analysis.

**Таянч сўз ва иборалар:** луғавий синонимлар, лексик маъно, семик таҳлил, маъновий фарқлар, услубий хосланиш белгиси, коннотация, эмоционал бўёқ, доминанта, нейтрал сўз, семантик ҳодиса, семасиологик асос, сўзниң семантик структураси, семема, сема, номема, айнанлик, фарқлилик, умумийлик.

**Ключевые слова и выражения:** лексическая синонимия, лексическое значение, семный анализ, различия значений, стилистические признаки, коннотация, эмоциональная окраска, доминанта, нейтральное слово, семантическое явление, семасиологическая основа, семантическая структура слова, семема, сема, номема, схожесть, различие, общность.

**Keys words and expressions:** lexical synonymy, lexical meaning, semic analyses, differences of meaning, stylistic features, connotation, emotional shade, dominance, neutral word, semantic phenomenon, semasiological bases, semantic structure of the word, sememe, seme, nomeme, similarity, difference, commoness.

Тип бирликлари муносабатида қайд этилувчи айнанлик ва фарқлилик тамойили луғавий синонимлар қаторида ҳам кузатилади. Тилшунос О.Бозоров сўзниң (лексеманинг) мазмун томонига ҳам, моддий томони (шакли) ҳисобланувчи товуш томонига ҳам ўзгариш, ривожланиш, демак, ўзгаланишлар хослиги, шу асосда янги шаклланмаларнинг (лексема турларининг) вужудга келиши табиий бир ҳол эканлигини қайд этиб, бу жараённи чизмада қуидагича тасвирлайди:

Мазмун (маъно): айнанлик → фарқлилик → зиддият.

Шакл (товуш қобиги): айнанлик → фарқлилик → зиддият [1,29].

Эътибор берилса, лексемаларга хос айнанлик уларнинг зидланиши учун асос

бўлган белги – фарқлиликка томон ўсиб боради.

Бу ўринда синонимик қаторда парадигма аъзоларига хос бўлган умумий маъно, яъни айнанлик билан бир вақтда, уларни бир-биридан фарқлаб турувчи ҳамда зиддиятга асос бўлувчи фарқлиликларнинг ҳам мавжуд бўлишини эътироф этиш лозим.

Айнанлик – нарсанинг ўзиға ўзи тенглиги, унинг маълум сифат ва миқдор белгилари ўлчамида маълум шакл ва мазмун мутаносиблигида намоён бўлиб, фарқлилик билан узвий алоқада шаклланишига замин ҳозирлайди [5.596].

Тил сатҳи бирликларида кузатилувчи айнанликни эса уларнинг маъноси, шакли, вазифаси, услубий белгиси кабиларнинг

тeng келишида, ўзаро мувофиқлигига кўриш мумкин. Бу каби айнанликлар фарқланишлар билан ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирига нисбатан белгиланади.

О.Бозоров бу ҳақда фикр юритар экан, фарқлилик айнанлик доирасидаги нозик ўзгаришларнинг бевосита кучайиб, ривожланиб бориши натижасида предметнинг нисбий ўзгачалик хусусиятларини касб эта бориш ҳолати эканлигини, у, бир томондан, айнанлик ҳолати, иккинчи томондан, зидлик (бошқалик, бошқа нарсаларга айланиб бўлганлик) кўриниши билан боғлик бўлган оралиқ шаклланиш эканлигини таъкидлаб, бунга тилдаги синонимия, полисемия ҳодисалари билан боғлик бўлган тил бирликлари мисол бўла олишини кўрсатади [1,31].

Демак, фарқлилик – зиддиятга йўл очувчи, уни юзага келтирувчи белги. Фарқлилик айнанлик замирида юзага келар экан, бу икки жиҳат диалектик алоқада. Зидлилик айнанликдан сифат ўзгаришлар натижаси ўлароқ ўсиб чиқар экан, бу жараёнда янги бир моҳиятнинг юзага келиши содир бўлади. Э.Н.Миллернинг қарашларига кўра, зидлилик айнанликнинг диалектик инкори, айнанликнинг ноўхашаш кўринишидир. Зидлилик айнанликдан вариантлилик, фарқлилик орқали (тадрижий “сақраш” йўли билан) ҳосил бўлган бошқа айнанлик, яъни янги нарса бўлиб, ўзидан кейинги “ занжирли ” жараённинг (айнанлик → фарқлилик → зидлилик) дастлабки ҳалқасини ҳосил қиласди [6,44].

Англашиладики, айнанликдан фарқлиликка ўтишда занжирсимон алоқа шаклланади. Бундай занжирда айнанлик бошлангич тугунни, фарқлилик эса сўнгги тугунни акс эттиради. Тилда айнан шу каби сифат ўзгаришлари омонимиянинг шаклланиш жараёнида содир бўлади.

Лексемалар муносабатидаги ўзаро фарқланиш тамойили, айниқса, антонимик бирликларда ёрқин кўзга ташланади. Кўпинча антонимик қаторларда оралиқ ҳолат қайд этилади. Масалан, *тун*→*саҳар*→*кун* антонимик қаторида *саҳар* лексемаси; *яхши*→*қониқарли*→*ёмон* антонимик қаторида эса *қониқарли* лексемаси; *бой*→*ўртаҳол*→*камбағал* антонимик қаторида *ўртаҳол* лексемаси оралиқ мавқени эгаллайди. Бошқача

айтганда, тун ва кун ўртасида саҳарнинг мавжудлиги, яхши ва ёмон ўртасида қониқарли ҳолатнинг воқеланиши ёки бой ва камбағал ўртасида ўртаҳол ҳолатнинг ҳам кузатилиши бу типдаги антонимик бирликлар жуфт ҳолатда бўлмаслиги, уларда учинчи, яъни оралиқ мавқеда турувчи бирликнинг ҳам мавжуд бўлишини кўрсатади.

Оралиқ учинчининг юзага келиши бу типдаги антонимик қаторларда даражаланиш муносабатини юзага келтиради.

Худди шундай, синонимлар қаторида ҳам оралиқ ҳолатнинг мавжуд бўлиши фарқлиликка сабаб бўлиб, зидланиш муносабатини юзага келтиради. Масалан, *қоронғи* → *зимистон* → *зим-зиё* синонимик қаторида зимистон бирлиги оралиқ мавқени эгаллайди. Ёки *нурли* → *ёруғ* → *нурофшон*. синонимик қаторида *ёруғ* лексемаси оралиқ ҳолатда туради.

Бундай вазиятда лексик бирликлар англатган маънода белгининг даражаланиши юзага келади. Натижада синонимик қаторнинг бошлангич аъзолари ўртасида белги даражасига кўра кучли зиддият юзага келади. Жумладан, *қоронғи* ва *зим-зиё* лексемаларида акс этган қоронғилик белгисининг кучли даражадаги фарқи бу лексемаларнинг даража белгисига кўра зиддиятга киришувини англатади. Худди шундай, *нам* → *хўл* → *шалаббо* синонимик қаторида ҳўл лексемасининг таъсирида юзага келган даражаланиш оқибатида *нам* ва *шалаббо* лексемалари муносабатида зиддият юзага келади.

Англашиладики, нафақат антонимик муносабатдаги қаторларда, балки синонимик қаторларда ҳам (айниқса, белгининг миқдорий фарқланиши англатувчи синонимлар қаторида) оралиқ ҳолатларнинг юзага келиши бу типдаги лексемалар муносабатида градуал синонимиянинг шаклланишига олиб келади.

Градуал синонимия тил сатҳида фарқлиликни ёрқин акс эттирувчи лисоний ҳодисадир. Б.А.Булгарова қайд этганидек, градуал синонимиянинг асосини баҳо ва градуацион белгининг даражаланишидаги фарқлилик ташкил этади [3,19].

Градуал синонимиянинг характерли жиҳати шундаки, унда айнанликлар сирасида миқдорий фарқлилик юзага

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

келади. Бошқача айтганда, лексик сатҳ бирликларига хос айнанликлар орасидан фарқланишлар ажралиб чиқади. Бу ҳолат синонимик сатҳда градуонимиянинг шаклланишига йўл очади. О.Бозоровнинг фикрича, луғавий градуонимия семантикаси изчиллигининг туб асосини материянинг бир турдан иккинчи турига, шунингдек, бир тур ичидағи бир нисбий ҳолатдан иккинчи хил кўринишга узлуксиз ўтиш, айланишларнинг луғавий номинацияда инъикос этиши ётади” [1,70].

Англашиладики, лексик сатҳдаги градуал синонимия айнанликларнинг фарқлиликка ўтиш жараёнини акс эттиради. Градуал синонимик қаторга хос муҳим жиҳат шундаки, унда айнанлик белгисига нисбатан фарқлилик белгиси устуворлик қиласди.

Дунё тилшунослигида тил бирликлари муносабатида кузатилувчи бу каби фарқлилик тамойили, хусусан, даражаланиш ҳақидаги қарашлар анча илгарироқ юзага келган. Тил бирликлари муносабатида кузатилувчи даражаланиш ҳодисасига илк бор Н.С.Трубецкой томонидан фонологик сатҳдаги зидланишлар муносабатини тадқиқ этишга бағишлиланган асарида муносабат билдирилган [10,371]. Кейинчалик бу муаммо Э.Сепир, Д.Болинджер томонидан предмет, ҳодисаларга хос белги, хусусиятларнинг даражаланишини акс эттирувчи функционал-семантик категория сифатида ўрганилган [9,282].

Рус тилшунослигида бу муаммо С.М.Колесникова, М.В. Бондаренко, Б.А.Булгарова, П.П.Березницкаялар томонидан функционал-семантик категория, мазмуний майдон сифатида монографик аспектда маҳсус тадқиқ этилган [4,279].

Ўзбек тилшунослигида бу масалалар таҳлилига илк бор Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар томонидан ёзилган “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари)” номли мақоласида муносабат билдирилди [2,35].

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тилшунослигимизда лексик градуонимия тадқиқига бағишлиланган ёки бу масалага ҳам муносабат билдирилган тадқиқотлар юзага келди [8,4]. Бундай тадқиқотларда тил бирликларининг даражаланиш белгиси, бу белгининг фарқлилик тамойилига асосланиши, градуонимиянинг лисоний моҳияти, тилнинг лексик, морфологик, синтактик сатҳларида кузатилиши, ёндош ҳодисаларга муносабати, улардан фарқи каби масалалар тадқиқ этилди [7,4].

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ ўзбек тилшунослигига лексик сатҳ бирликлари семантик муносабатида кузатилувчи белгининг даражаланиши масаласига доир назарий концепция шаклланди. Аммо бу борадаги муаммолар тўлиқ ечимини топган, деб бўлмайди. Жумладан,

- градуал синонимик майдон ва унинг хусусиятлари;
- градуал синонимиянинг шаклланиши;
- градуал синонимик бирликларда баҳо муносабатининг юзага чиқиши;
- градуал синонимиянинг юзага келишида инсон омили, унинг субъектив қарашлари, дунёни идрок этиши масаласи;
- тил бирликларига хос даражаланиш белгисининг изоҳли луғатларда акс этиши каби қатор муаммолар маҳсус тадқиқотларни кутмоқда. Айниқса, синонимик қаторларда нарса-предмет, ҳаракат-ҳолат, белги, миқдор кабиларнинг даражаланиши оқибатида антонимиянинг юзага келиши, бунинг ички қонуниятларини монографик аспектда ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Хуллас, синонимик қатордаги даражаланиш ҳодисасини акс эттирувчи градуал синонимия умумий маъносига кўра бирлашувчи синонимлар қаторида кузатилар экан, ҳар бир синонимик турда унинг намоён бўлишини маҳсус ўрганиш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар:

1. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Т.: Фан, 1999.
2. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. Систем лексикология тезислари // Ўзбек тили ва адабиёти. -1989. -№ 6.
3. Булгарова Б.А. Градуальная организация текстового семантического поля «смех» (на материале произведений М.А. Булгакова): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001.

4. Колесникова С.М. Категория градуальности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1999; Колесникова С.М. Функционально-семантическая категория градуальности в современном русском языке. – М.: Высшая школа, 2010.
5. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. Второе исправленное дополненное издание. – М.: Наука, 1975.
6. Миллер Э.Н. Содержательные функциональные основания единства антонимии номинативных единиц // Филологические науки. – М., 1987. - №6.
7. Ориффонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1996
8. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке: Автореф. ... канд. филол. наук. – Т., 1980
9. Sapir E. Grading: A Study in Semantics. In D.G.Mandelbaum (ed), Selected Writings of Edward Sapir in Language, Culture and Personality. Berkeley: University of California Press, 1963.
10. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М.: Изд-ство иност. лит. , 1960.

(Такризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)